

НЕМИС АДАБИЙ ТИЛИДА ЎЗЛАШТИРМА НУТҚ

Рўзиев Яраш Бозорович

Бухоро давлат университети, Бухоро шаҳри

Аннотация: Мақолада немис адабий тилида ўзлаштирма нутқнинг турлари, шунингдек кўчирма гапнинг бош гапга боғланиб келиш усуллари ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: тил қурилиши, нутқ, ўзлаштирма нутқ, кўчирма нутқ, эргаш гап.

Abstract: The article discusses the types of indirect speech in the German literary language, as well as the ways in which the excerpt is connected to the main sentence.

Key words: structure of language, speech, indirect speech, direct speech, conditional sentence.

Аннотация: В статье рассматриваются типы косвенной речи в немецком литературном языке, а также способы связи придаточного предложения с основным предложением.

Ключевые слова: структура языка, речь, косвенная речь, прямая речь, придаточное предложение.

Маълумки бундан икки аср олдин Оврупода умумий ва назарий тилшунослик асосчиси Вилхелм фон Хумболт (Wilhelm von Humboldt, 1767–1835) томонидан *тил руҳий-ижтимоий ҳодиса* эканлиги ҳақида таълимот

ратилган. Улуғ олим ўз таълимотини *Ява оролидаги кави тили хусусида* номли уч жилдли асари муқаддимасида баён қилган. Муқаддима 1830-1835 йилларда ёзилган бўлиб *Инсоният тили қурилишининг ранг-баранглиги ва унинг башарият руҳий тараққиётига таъсири* деб номланган [1]. Ушбу таълимот жаҳон тилшунослигида эътироф этилган бўлиб турлича оқим, йўналиш, мактабларнинг пайдо бўлиши учун асос вазифасини бажарган ва шундай бўлиб қолмоқда.

Замонавий тилшуносликда ўзга нутқнинг асосан икки тури яъни кўчирма ва ўзлаштирма нутқ (гап ёки жумла) ажратилади. Уларга бағишланган кўплаб тадқиқот амалга оширилган. Ушбу тадқиқотлар натижаси аввало монография ва мақолаларда акс этган. Шунингдек ўрта ва олий таълимга ҳам татбиқ этилган.

Адабиётларда ҳар қайси тур алоҳида мавзу қилиб кетма-кет берилади. Бу жиҳатдан улар бир-биридан фарқланмайди. Фарқ шундаки немис ва рус тилларида ўзга нутқ воситаларининг семантик функционал бошқача айтганда парадигматик ва синтагматик хусусияти (яъни шакли, тузилиши, мазмуни ва қўлланиши) мазкур тилларнинг қурилиши (Вау, строй)га тўла мос келади. Бинобарин тадқиқу талқин тил қурилишининг ўзига хос хусусиятини акс эттиради. Шунга кўра дарслик ва қўлланмаларда берилган қоидалар ўқувчи ва талабаларга мазкур мавзулар ҳақида тўғри ва тўла билим олиш имконини беради.

Шуни таъкидлаш жоизки немис тилшунослигида ўзга нутқ турли оқим, мактаб ва йўналишларда ҳам назарий ҳам амалий жиҳатлардан ҳар томонлама тадқиқу талқину тасниф қилинган. Ушбу мавзу йиллар давомида узлуксиз фақат Германияда эмас, бошқа мамлакатлар жумладан Россия ва Ўзбекистонда ҳам ўрганилган ва ўрганилмоқда. Шу сабабли адабиёт шу қадар кўпки улардан фақат айриминигина шарҳлаш имкони бор.

Германист К.Г. Крушельницкая грамматик категория ва унинг замиридаги умумлашган маъноларни уч турга бўлади. Биринчи тур грамматик маънолар мавжудот ва ҳодисалар орасидаги объектив муносабатларни ифодалайди. Булар қаторига отнинг сон категориясини шакллантирадиган миқдорий муносабат яъни бирлик ва кўплик маънолари киритилади. Иккинчи тур умумлашган маънолар гап мазмунининг объектив воқеликка муносабатини билдиради. Фельнинг майл, замон ва шахс категориялари шу сирага мансуб дейилади. Учинчи тур грамматик маънолар сўзловчининг баён қилинган фикрга муносабатини билдиради. Бу ўз навбатида учга бўлинади: 1) *хабар, сўроқ ва буйруқни ифодаловчи коммуникатив мақсад категорияси*; 2) эски (таянч) хабар, янги хабар маъноларини англатувчи *коммуникатив вазифа категорияси* бошқача айтганда гапнинг актуал бўлиниши ва 3) артикл орқали ифодаланадиган аниқлик ва ноаниқлик, модал сўзлар воситасида ифода этилувчи қатъийлик ва тахмин маъноларидир [3, 220-223].

Энди назарий тадқиқотларнинг амалиётга татбиғи хусусида қисқача фикр юритамиз. Аввало 20-асрнинг 50-йилларида немис тили грамматикаси бўйича ўрта мактаб ўқитувчиларига мўлжалланган ўқув қўлланмага мурожаат қиламиз [2, 336-341]. Ўзга нутқ қўлланманинг қўшма гаплар синтаксиси деб номланган қисмида кўчирма ва ўзлаштирма нутқдан ташкил топган гаплар сарлавҳаси остида берилган. Диққатга сазовор жиҳати шуки муаллифлар ҳақиқат қиёсда кўринар деган нақлга амал қилиб ўзга нутқнинг иккала турини ўзаро айна пайтда рус тили билан қиёслаб баён қилган. Бу эса улар орасидаги ўхшашлик ва фарқни янада яққол намоён бўлишига имкон берган. Асосий фарқлардан бири шуки кўчирма нутқ орқали ўзганинг фикри айнан, ўзлаштирма нутқ воситасида эса қисман ўзгартириб баён қилинади. Айна пайтда улар ўзаро узвий боғланган. Чунки айна бир воқеа-ҳодисани

уларнинг иккаласи билан ҳам ифодалаш мумкин. Бунда кўчирма нутқ асос вазифасини ўтайди. У ўзлаштира нутққа айлангилганда бир қатор ўзгариш рўй беради. Энг аввало шахс ўзгариши (Personenverschiebung) содир бўлади. Бунда фақат сўзловчининг эмас, нутқ қаратилган шахс яъни суҳбатдош (тингловчи)нинг шахси ҳам ўзгаришга юз тутади. Чунончи сўзловчи (муаллиф) III шахс, кўчирма гапнинг эгаси I шахсни кўрсатса ўзлаштира нутқнинг эгаси III шахсда туради:

Er sagte: „Ich habe mich gut erholt“. –

Er sagte, daß er sich gut erholt habe.

Кўчирма гапдаги шахснинг ўзлаштира гапда ўзгариб ўзгармаслиги унинг нутқий вазифасига боғлиқ бўлади. Бу далил тариқасида берилган куйидаги мисолларда яққол намоён бўлган:

Er fragte mich: |

Er fragte dich: | „Wann kommst **du** ins Institut?“

Er fragte ihn: |

Er fragte mich, wann ich ins Institut kommen würde (käme).

Er fragte dich, wann du ins Institut kommen würdest (käme).

Er fragte ihn, wann er ins Institut kommen würde (käme).

Мисоллардан кўринадики фақат II шахсда кишилик олмоши ўзгармайди яъни кўчирма гап эгасининг шахси ўзлаштира гапда ўзгаришсиз қолади. Мисоллардан яна шу нарса маълум бўладики кўчирма гапда индикатив (хабар ёки аниқлик майли) шакли қўллангани ҳолда ўзлаштира гапда конъюнктивнинг кондиционалис I ёки имперфект шакли қўлланиши мумкин экан[2, 338-339]. Асосий фарқ шуки ўзлаштира гапда конъюнктивга хос маънолар (ирреаллик, гумон-тахмин) ифодаланмайди. *Конъюнктив ўзлаштира гапни шакллантириши учун хизмат қилади холос.* Бинобарин унинг грамматик белгиси ҳисобланади.

Мавзунинг номланишидан яна шу нарса аён бўладики *кўчирма нутқ* ва *ўзлаштирма нутқ* атамалари таркибидаги иккинчи сўз ўрнига *гап* атамасини қўллаш ҳам мумкин. Чунки гап фақат лисоний эмас, нутқий ҳодиса бўлганидан нутқнинг бир парчаси, бўлагидир. Шу боис хорижий филология ихтисослигининг ўзбек гуруҳларига мўлжалланган *немис тили грамматикаси* дарслигида сарлавҳада ҳам матнда ҳам фақат *гап* атамаси қўлланилган [5, 254-258].

Ўзлаштирма эргаш гапда феъл майлларида конъюнктив ҳам индикатив (хабар майли) ҳам қўлланади. Бош гап кесими индикативнинг ўтган замон шаклида келган бўлса ёки эргаш гап бош гапга боғловчисиз бирикса деярли ҳар доим конъюнктив ишлатилади. Ўзлаштирма эргаш гапда одатда конъюнктивнинг презентал замон шакллари яъни презенс, перфект ва футурум I ишлатилади. Бош гапдаги замон шакли эргаш гап кесимига ҳеч қандай таъсир ўтказмайди:

Er sagt (ёки *sagte, hat gesagt*), *daß er einen Brief an seinen Bruder schreiben* (*geschrieben habe* ёки *schreiben werde*).

Эргаш гап бош гапга боғловчисиз бирикса фақат сўз тартиби ўзгаради, мустақил гапдагидек бўлади. Намуна тариқасида мазкур мисоллардан биттасини келтирамиз: *Er sagt* (ёки *sagte, hat gesagt*), *er schreiben einen Brief an seinen Bruder* (ёки *geschrieben habe* ёки *schreiben werde*).

Конъюнктив замон шакллари индикатив замон шакллари билан мос келса ўзлаштирма эргаш гапда претерит, плюсквамперфект ва кондиционалис I ишлатилади. Бунда претерит конъюнктив презенс конъюнктивга, плюсквамперфект перфектга, кондиционалис I футурум I га мос келади: *Sie sagen* (ёки *sagten, haben gesagt*), *daß sie ihre Aufgaben machen*. *Sie sagen* (ёки *sagten, haben gesagt*), *sie machen ihre Aufgaben*. Иккала мисолда ҳам эргаш гапда претерит презенс ўрнида қўлланган. Шу сабабли

бош гапнинг кесими билан бир вақтда рўй берадиган иш-ҳаракатни ифодалайди.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, немис адабий тилида ўзлаштирма нутқнинг бир неча тури ва кўчирма гапнинг бош гапга боғланиб келиш усуллари мавжуд. Улар хусусида кейинги ишларимизда кенгроқ фикр юритамиз.

Фойдаланилган адабиёт:

1. Wilhelm von Humboldt. Über die Verschiedenheit des menschlichen Sprachbaues und ihren Einfluß auf die geistige Entwicklung des Menschengeschlechts. Cambridge University Press, New York, 2009, *Erste Auflage von 1836*. ISBN 978-1-108-00646-0.
2. Гулыга Е.В., Натанзон М.Д. Грамматика немецкого языка. Москва, “Учпедгиз”, 1957.
3. Крушельницкая К.Г. Грамматические значения в плане взаимоотношения языка и мышления // Язык и мышление (тўплам). Москва, “Наука”, 1967.
4. Зикриллаев Ғ. Рух ва тил. Тошкент, “Фан”, 2018.
5. Саидов С., Зикриллаев Ғ. Немис тили грамматикаси. Тошкент, 1973. 254-258 б.
6. Рўзиев Я.Б. Немис тили замон шаклларининг публицистик матнларда прагматик мақсадда қўлланиши // Илм сарчашмалари. УрДУ, 2021, 54-56 б.
7. Рузиев Я.Б. Текстовая характеристика выражения будущего времени в немецком языке // Modern Scientific Challenges and Trends. Issue 1, ISBN 978-1-9997898-5-5. 2018, p. 135-137.